

Ҳар йилги кутубхоначилар анжуманида



Анжуманнинг 2009 йилги мавзуи “Кутубхона-ахборот технологиялари трансформацияси ва ҳуқуқий майдонда ахборотга эркин кириш” деб номланган.

Конференция секцияларида куйидаги йўналишларда иш олиб борилди:

- Жаҳон ахборот инфратузилмаси, кутубхоналараро кооперация ва халқаро ҳамкорлик лойиҳалари.

- Миллий кутубхоналар ва миллий ахборот ресурслари.

- Фондларни сақлаш ва шакллантириш. Кутубхоналар, нашриётлар ва китоб бозорининг ҳамкорлиги.

- Онлайн технологиялари, CD-ROM, электрон нашрлар ва кутубхоналарда Интернет.

- Электрон кутубхоналар ва электрон ресурслар. Электрон таълим.

- Автоматлаштирилган кутубхона тизимлари ва ахборот технологиялари.

- Таълим ва бошқарув жараёнларининг ахборот таъминоти.

- Корпоратив кутубхона-ахборот тизимлари, корпоратив технологиялар ва кутубхона консорциумлари.

- Кутубхона-ахборот тизимларининг ахборот-лингвистик

таъминоти. Библиографик форматлар. Метамаълумотлар. Маълумотларни алмаштиришга мўлжалланган стандартлар ва протоколлар.

- Кутубхона кадрлари, касб ва таълим. Ахборотлашган жамиятда таълим технологияларининг ривожланиши.

- Кутубхона фондларини миллий тиллардаги адабиётлар билан комплекшлаш муаммолари.

- Кутубхона, муниципал ва улкашунослик ахборотлари.

- Имконияти чекланган китобхонларга кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиш.

- Кутубхона, музей ва архивлар ахборот ва санъатнинг ягона фазосида.

- Электрон ахборот хавфсизлиги ва этикаси.

- Экологик ахборот ва кутубхоналарнинг аҳоли экологик таълимидаги роли.

- Юридик ва ҳуқуқий ахборот. Расмий мақолалар. Муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк.

- Мутолаа дастурлари ва муаммолари. Ёзувчи ва кутубхона.

- Кутубхоналарда, кутубхона ва бошқа ассоциацияларда менежмент.

Қрим Автоном Республикасининг Судак шаҳрида 2009 йилнинг 6-14 июнь кунлари кутубхоналар, нашриётлар, китоб савдоси ва китоб тарқатувчи ташкилотлар, музейлар, архивлар, ахборот марказлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, компьютер ва Интернет-бизнес, таълим муассасалари раҳбарлари, мутахассисларнинг умумжаҳон касбий форуми бўлиб ўтди.



Улуғбек Фозилович Каримов, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти кафедра мудири, доцент, т.ф.н., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлим мудири.

• Ҳозирги замон ахборот дунёсида кутубхона ва бизнес.

• Кутубхона шунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик. Кутубхона статистикаси. Библиотерапия.

• Болалар, компьютерлар ва Интернет, мактаб кутубхоналари ва компьютер саводхонлиги.

• Кутубхона толерантлик ҳудуди. Кутубхона ва сиёсат.

• Фан, маданият ва таълимда инновациялар: кутубхоналарнинг роли.

Конференция иштирокчилари 14 секцияда иш олиб бордилар:

1-секцияда ахборотлашган жамият ва жаҳон ахборот инфратузилмаси, миллий кутубхоналар ва миллий ахборот ресурслари, халқаро ҳамкорлик лойиҳалари мавзусидаги маърузалар эшитилди ва муҳокама қилинди. АҚШнинг Нью-Йорк штатидан келган ношир Морис Фридман (Maurice Freedman) томонидан ўқилган маъруза АҚШ кутубхоналарида электрон ресурсларни бирлаштириш ва улардан биргаликда фойдаланиш мавзусига бағишланди ва бу соҳадаги Америка тажрибаси баён қилинди. "ИНФОРМ-СИСТЕМА" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси номидан маъруза қилган россиялик В.Т.Грибов чет эллардаги Россия фан ва маданият марказларида замонавий ахборот - кутубхона тизимларидан фойдаланиш масалаларига бағишланди. Секция ишида Самарқанд ахборот-кутубхона маркази директори Ш.Б.Аҳмедова томонидан қилинган "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналар фаолиятини фаоллаштиришда ахборот-кутубхона марказлари-

нинг роли" мавзусида қилган маърузаси ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.



2-секция ишини конференция ташкилий қўмитасининг раиси Я.Л.Шрайберг Ф.С.Воройский хотирасига бағишланган маърузаси билан бошлади ва 2-секция профессор Ф.С.Воройский номи билан аталиши тўғрисидаги таклифни киритди.

"Автоматлаштирилган ва корпоратив кутубхона тизимлари ва технологиялари" деб номланган бу секция йўғилишларида асосан автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларини яратиш, татбиқ қилиш, корпоратив тизимлар яратиш муаммоларига бағишланган маърузалар эшитилди ва муҳокама қилинди. Секция ишида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассисларининг ҳамкорликда яратган «Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими KARMAT-M»нинг тақдими ўтказилди. Кутубхоналардаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган тизим республикамизда биринчи бўлиб нуфузли халқаро конференция ишида қатнашаётган мутахассисларнинг эътибо-

рига ҳавола қилинди. KARMAT-M тизимининг халқаро конференция ишида тақдим қилиниши Ўзбекистон кутубхоначилик ишида туб бурилиш ясади, яъни чет элларда тайёрланган автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизими (АКАТ)дан фойдаланишдан, мамлакатимизда ишлаб чиқилган АКАТдан фойдаланишга ўтиш учун замин ҳозирлади. KARMAT-M тизими MARC 21 формати асосида библиографик ахборотларни алмаштириш имконини беради, бу эса тизимнинг MARC форматлар оиласига кирувчи энг такомиллаштирилган формат билан ишлай олишини кўрсатади. Демак, Ўзбекистонда ҳам кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга имкон берувчи дастурий таъминот яратилди ва у мутахассисларнинг назарига тушди.

Секция ишида Б.И.Маршак томонидан қилинган "Кутубхоналарни автоматлаштириш қайси йўналишда ҳаракатланмокда?" мавзусидаги маъруза АКАТларнинг ривожланиш тенденцияларига бағишланди. Маърузачининг фикрича, бугунги кунда кутубхона жараёнларини автоматлаштириш "корпоратив тизимлар яратиш", "йўғма электрон каталог базасини шакллантириш", "RFID технологияларидан кутубхоналарда фойдаланиш" йўналишларида олиб борилмокда. Секция ишида ИРБИС тизимининг сўнгги ютуқлари, Россия йўғма каталогининг автоматлаштирилган тизимининг ўзига хос хусусиятлари (маълумотларни сақлашнинг йўғма ва тақсимланган усулларида фойдаланиш) тўғрисидаги маълумотлар

берилди.

3-секция “Электрон кутубхоналар ва Интернет технологиялари” деб номланган ва бу секцияда Д.В.Виноградов томонидан қилинган “Кутубхоналарни комплекс ахборотлаштириш” мавзусидаги маъруза диққатга сазовор бўлди. Секция ишида асосан электрон кутубхоналар яратиш ва улардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Интернетда тулиқматнли коллекцияларни шакллантиришда Россия тажрибаси Москва давлат маданият институти вакили В.К. Степановнинг маърузасида ўз аксини топди. Коллекцияларни сақлашда PDF ва DJVU форматларидан фойдаланиш тенденциялари кучайганлиги айтиб утилди.

4-секцияда “Кутубхона ва музейлар ахборот ва маданиятнинг умумий фазосида” деб номланган ва секция ишида “Тасвирий санъат асарлари тавсифини яратиш” бўйича ўтказилган мастер класс кўпчилигининг эътиборини тортди. Мастер классда кўтарилган муаммо Ўзбекистон кутубхоначилиги иши учун ҳам ўта долзарб ҳисобланади, зеро, мамлакатимизда тасвирий санъат асарларининг (фотоматериалларни) библиографик тавсифини яратиш муаммолари ўз ечимини кутиб ётибди.

5-секция ишида “Кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик” соҳасига оид масалалар муҳокама қилинди.

6-секция иштирокчилари кутубхона кадрлари, касб ва таълим муаммоларини муҳокама қилишди. О.П.Коршунов-

нинг “Библиографияшунослик назарияси ва методологиялари” номли китобининг тақдими ўтказилди.

7-секцияда кутубхона ахборот тизимларининг ахборот лингвистик таъиноти масалалари муҳокама қилинди. Бу секцияда муҳокама қилинган муаммолар Ўзбекистон кутубхоначилиги иши учун ҳам долзарб ҳисобланади. Ўзбекистонда автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари ишлаб чиқишга киришилган, аммо уларнинг лингвистик таъминоти етарлича ишлаб чиқилмаган.

8-секция ишида экологик ахборот ва экологик маданият соҳасига оид муаммолар муҳокама қилинди. Россиянинг ГПНТБ томонидан яратилган “Экология бўйича ГПНТБ Россиянинг электрон кутубхонаси” ва “Россиянинг оқ кўмири” китобларининг тақдими ўтказилди.

9-секция ишида ахборот бозори ва кутубхоналар фондиди шакллантириш муаммолари муҳокама қилинди. Асосий эътибор кутубхоналар фондиди анъанавий ва электрон ҳужжатлар билан комплекшлаш масалаларига қаратилди.

10-секция ишида муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк масалалари мавзусидаги маърузалар тингланди.

11-секцияда минтақавий кутубхоналар, муниципал ва



ўлкашунослик ахбороти мавзусидаги маърузалар эшитилди.

12-секция иштирокчилари болалар ва ўсмирларнинг ўқиш ва компьютер саводхонлиги мавзусидаги маърузаларни муҳокама қилишди. Мактаб ва болалар кутубхоналари фаолиятига доир бир неча қизиқарли маърузалар тингланди.

13-секция қатнашчилари тиббиёт кутубхоналари фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилишди. Шифокорларни ва илмий тадқиқодчиларнинг ахборот таъминоти мавзусидаги маърузалар тингланди.

14-секция йиғилишларида фан, маданият ва таълимда инновациялар: кутубхоналарнинг роли мавзусидаги масалалар муҳокама қилинди.

Конференция иши доирасида кўплаб семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Конференция иши натижаларидан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

Жаҳон кутубхоначилиги ишида электрон кутубхоналар яратиш ва улардан фойдаланиш тенденциялари кучайиб бормоқда.

Электрон библиографик ресурслар яратишда кооперация усули кенг жорий қилинмоқда. Корпоратив тизимлар яратишга фаол киришилмоқда.

Кутубхона технологияларини автоматлаштиришда RFID технологиялардан фойдаланиш кенг тарқалмоқда. АКАҒларнинг ривожланишида ҳам RFID технологияларидан фаол фойдаланилмоқда.

Интернет технологиялари кутубхоналар фаолиятида ўз ўрнини топмоқда.